# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Етакчи қўлга олинди

***Исроил хавфсизлик хизмати идоралари ходимлари ХАМАС ҳаракати етакчиларидан бирини қўлга олди.***



“Франс-пресс” ахборот агентлиги берган хабарга кўра, Умар Жаббор (бошқа манбаларда Умар Жобир) исмли бу шахс 2002 йилда Иордан дарёси бўйидаги Нетания шаҳрида террорчилик хуружларини амалга оширганликда гумон қилинаяпти. Ўшанда портлаш 30 кишини ҳаётдан олиб кетганди.

## Самолётдаги қурилма

**Буюк Британиянинг “Ofcom” медиабошқарув ташкилоти парвоз пайти самолётда уяли алоқа телефонларида гаплашиш имконини берувчи янги қурилма кашф этди.**

**“Би-би-си ньюс” хабарида маълум қилинишича, қурилма жорий йил охиригача Буюк Британиядаги барча самолётларга ўрнатилади.**

**Мутахассислар фикрича, “пўлат қанот” 3000 метр баландликка кўтарилгандан сўнггина мобиль телефонда сўзлашиш мумкин.**

## НАТОнинг расмий телеканали

***Шу йил апрель ойидан НАТОнинг расмий телеканали ўз фаолиятини бошлайди.***



“Шимолий-атлантик альянс кенг жамоатчилик орасида обрў қозониш мақсадида янги телеканал очмоқда”, деб хабар берди “Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги.

Телеканалнинг тантанали очилиш маросими 2-4 апрель кунлари Бухарестда ўтказиладиган НАТО саммитида бўлиб ўтади.

“NATO TV” номли телеканал илк эфир дастурларини **www.nato.int** интернет-сайти орқали узатади.

## Кема муваффақиятли қўнди



**Кеча АҚШнинг Канаверал бурунидаги космодромга “Индевор” фазо кемаси муваффақиятли қўнди.**

**“Си-эн-эн” телеканалининг маълум қилишича, кема бортида бўлган етти фазогирнинг саломатлиги яхши.**

**Эслатиб ўтамиз, “Индевор” шаттли шу йил 11 март куни фазога кўтарилиб, 16 кун мобайнида орбитада бўлди. Шу вақт мобайнида астронавтлар очиқ космосга беш марта чиқишди.**

## Бошқотирмага уста тўтиқуш



***Япония пойтахти Токиодаги ботаника боғида олти ёшли тўтиқуш боқилмоқда.***

Бу тўтиқушнинг бошқаларидан фарқи шундаки, у бошқотирмаларни 30 сония ичида ечиб ташлайди. “Рейтер” хабарига кўра, тўтиқуш ечадиган бошқотирмага одам боласи бир соатча бош қотиради. Айни пайтда келувчиларнинг бари тўтиқуш билан баҳсда ортда қолаяпти.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***



***Ўтган йили мамлакатимизда 630 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Шундан 65 фоизга яқини қишлоқ жойларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига ташкил этилди. Бу эса республикамизда ҳукуматимиз томонидан ушбу соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар нечоғлик самара бераётганини кўрсатади.***



## Миллий банк:

# «ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛЯПМИЗ»

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда, албатта, банклар томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки амалга ошираётган ишлар ҳам яққол исботлаб турибди. Хусусан, 2007 йилда Миллий банк кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида барча маблағлар ҳисобидан жами 254,2 миллиард сўм миқдорида кредит ажратди. Шундан 181,2 миллиард сўми (йиллик 189,4 фоиз) банкнинг ўз маблағлари ҳисобига, 73,0 миллиард сўми бошқа жамғармалар маблағлари ҳисобига тўғри келди. Ушбу кўрсаткичлар 2005 йилдагига нисбатан 118,0 миллиард сўм (ўсиш 186,6 фоиз)га, 2006 йилдагига нисбатан 91,0 миллиард сўм (ўсиш 155,7 фоиз)га кўпдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларини кредитлаш бўйича режа ортиғи билан бажарилди. Жумладан, «Тижорат банклари томонидан кичик тадбиркорлик субъектларига, деҳқон ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан кредит бериш тартиби тўғрисидаги Низом»га асосан, мазкур жамғарма ҳисобидан 2007 йилда ажратилган кредитларнинг умумий ҳажми 4,8 миллиард сўмни ташкил этди. Бу 2006 йилдагига нисбатан 3,7 миллиард сўм (ўсиш 4,6 баробар) зиёддир. Натижада 22,5 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Аниқроқ қилиб айтганда, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан саноатга 26,7 миллиард сўм (28,5 фоиз), қишлоқ хўжалигига 16,5 миллиард сўм (17,6 фоиз), ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатиш тармоғига 50,6 миллиард сўм (54,0 фоиз) йўналтирилди.

**«Ўзмиллийбанк» томонидан кичик бизнес субъектларига 2005 — 2007 йилларда ажратилган кредитлар**




«Ўзмиллийбанк» томонидан, шунингдек, 2007 йил мобайнида тадбиркорларга 6 533 та микрокредит ажратилди. Уларнинг умумий қиймати салкам 10,0 миллиард сўмга тенгдир. Шундан 8,0 миллиард сўмга яқини банкнинг ўз маблағлари ҳиссасига, қарийб 2,0 миллиард сўми ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига тўғри келди. Аввалги йилдаги кўрсаткичлар билан таққослаганда, барча маблағлар ҳисобидан ажратилган микрокредитлар бўйича салкам 2,0 баробар ўсишга эришилди.

Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори талабларига мувофиқ эса, бултур ушбу йўналишга банкнинг ўз маблағи ҳамда Иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағи ҳисобидан салкам 5,5 миллиард сўм (йиллик 65,4 фоиз) миқдорида микрокредитлар ажратилди. Шундан 4,7 миллиард сўми банкнинг ўз маблағидир. Бундан ташқари, четдан наслдор қорамоллар олиб келиш учун умумий қиймати 1,5 миллиард сўмдан ортиқ 100 га яқин лойиҳа молиялаштирилди.

Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3434-сонли Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш ишларини янада кучайтириш мақсадида «Ўзмиллийбанк» томонидан, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 12,4 миллиард сўм (йиллик 178,3 фоиз) миқдорида кредитлар берилди. 2006 йилда мазкур кўрсаткич 7,0 миллиард сўмни ташкил этганлигини инобатга олсак, якунланган йилда тадбиркор аёлларни кредитлаш кўрсаткичи 5,4 миллиард сўмга (салкам 2 баробарга) ортганлиги аён бўлади.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги “2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлашга доир белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида «Ўзмиллийбанк» томонидан 2007 йилда барча маблағлар ҳисобидан уларга 2,5 миллиард сўм (157,2 фоиз) миқдорида кредитлар берилди.

Бундан ташқари, минитехнологиялар ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш учун 294 та, яъни жами 8,6 миллиард сўмга яқин лойиҳалар амалга оширилди. Шундан 219 та лойиҳага 7,0 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар банк кредити ва лизинг ҳисобига, қолганлари эса мижозларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилди.

Иссиқхоналар қуриш учун эса республика бўйича умумий қиймати 8,7 миллиард сўмлик 384 та лойиҳа молиялаштирилди. Эътиборлиси, бу йил ҳам республикамизнинг ҳар бир туманида иккитадан иссиқхона қуриш бўйича ишлар жадал олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, «Ўзмиллийбанк» ажратаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги иш ўринларининг яратилишига, шу орқали кўплаб оилаларнинг яшаш тарзи яхшиланишига йўналтирилмоқда. Айнан Миллий банк кредити ҳисобига четдан келтирилган дастгоҳлар ёрдамида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат юртимиз бозорларини тўлдирмоқда, балки хорижга ҳам экспорт қилинмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни янада юксалтиришга хизмат қилаётир.

**Юнус БЎРОНОВ.** t

**2008 йил 1 январь ҳолатига кўра, «Ўзмиллийбанк» томонидан тадбиркор аёлларга барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар (млрд. сўм ҳисобида)**




| | Якка тартибдаги аёл тадбиркорларга | Асосан аёллар меҳнатидан фойдаланиладиган субъектларга |
|---|---|---|
| 2006 й. | 3,3 | 3,7 |
| 2007 й. | 5,4 | 7,0 |

**«Ўзмиллийбанк» томонидан ажратилган микрокредитларнинг молиялаш манбалари бўйича тақсимланиши (млрд. сўм ҳисобида)**




| | Ўз маблағи | Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари |
|---|---|---|
| 2006 й. | 3.5 | 1,5 |
| 2007 й. | 8,0 | 2,0 |

**«Ўзмиллийбанк» томонидан кичик бизнес субъектларига 2005 — 2007 йиллар якунлари бўйича барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар (млрд. сўм ҳисобида)**




| | Саноат | Қишлоқ хўжалиги | Қурилиш, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар |
|---|---|---|---|
| 2005 й. | 30,9 | 33,1 | 72,3 |
| 2006 й. | 34,6 | 57,2 | 71,5 |
| 2007 й. | 38,5 | 111,5 | 104,2 |


Товар сертифицирован

**ТРУБЫ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ**

**Диаметр от 20 до 110 мм с различной толщиной стенки**

**Для**
- **ВОДОСНАБЖЕНИЯ**
- **ГАЗОСНАБЖЕНИЯ**
- **КАНАЛИЗАЦИИ**
- **КАБЕЛЬНЫХ РАБОТ и др.**



Форма оплаты-безналичный расчет.

**Тел: +998 97 1587899, факс: +998 71 2782525**
**E-mail:trubs_uz@mail.ru**

**«PK TREXGORKA» ЁАЖ**

- Ўзи ишлаб чиқарган том қопламаларини (рубероидни) сотади.
- Ўз маҳсулотидан томларни юмшоқ қоплама билан қоплайди ва таъмирлайди.
- Қурилиш-монтаж ишларини бажаради.

Маҳсулот сертификатланган.
NSS UZ. 01.143.0513752

**245-10-32, 245-11-72, 245-11-82**

443Н/188

*Корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**Ички ишлар вазирлиги Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ УЯ 64/46-колонияси**

**Лот №1**

**Лот №1-1.** *«Муассаса ташқи ҳудудидаги саноат ва яшаш жойларини ҳимоя тўсиқ деворлари билан ўраш».*
**Лот № 1-2.** *«7532-ҳарбий қисм (3-батальон) аскарлар казармалари биносини капитал таъмирлаш» объектлари бўйича*

**танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади.**

**Ишларнинг тугалланиш муддати** — 5 ой.
**Буюртмачи** — Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ УЯ 64/46-колонияси, жойлашган манзили — Навоий шаҳри, цемент завод қўрғони.
**Лойиҳани молиялаштириш** — давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағлар ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уй.**
**Тел./факс: (436) 225-53-85.**

***Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.***

**Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.**
**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.**

527R499/559

**РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ФИЛИАЛИ**

**нархлари ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Очиқ аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2007 йил 8 октябрдаги 23-0706/10578-сонли ижро варақасига асосан Хўжайли тумани суд ижрочилари томонидан хатланган, Хўжайли туманидаги «Эльдор Сардор» фирмасига қарашли умумий майдони 708 кв.м. бўлган дўкон биноси қўйилмоқда.

*Бошланғич нархи — 50 000 000 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 14 апрель соат 11.00 да Нукус шаҳри, А. Шомуродова кўчаси, 117-«Б» уйда жойлашган Республика Кўчмас мулк биржаси Қорақалпоғистон филиалида ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Қорақалпоғистон филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: «Миллий банк» Қорақалпоғистон филиали ҳ/р 20210000100571452055, МФО 00582, ИНН 200933850.

**Қўшимча маълумотлар учун манзил: Нукус ш., А. Шомуродова к., 117-«Б» уй. Телефонлар: 8-361-222-84-44, 770-65-90.**


# ИСТИҚБОЛГА ИНТИЛГАН АВЛОД



***Шу кунларда Қорақалпоғистондаги ҳар бир ўрта-махсус ўқув юртида катта бир тадбирга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу май ойида мамлакатимиз коллежлари ўқувчилари орасида бўлиб ўтадиган навбатдаги «Баркамол авлод — 2008» спорт мусобақаларидир. Шунинг учун ҳам, аввало, ушбу мусобақаларда иштирок этиш, қолаверса, мазкур тадбирларни муносиб ўтказиш бугун ҳар бир қорақалпоғистонликнинг бурчига айланган.***

**Таълим**

Қўнғирот тиббиёт коллежи ўқувчилари Зебо Ўринбоева билан Салтанат Аширбоева мазкур спорт мусобақаларига астойдил тараддуд кўришмоқда. Коллежнинг «Ҳамширалик иши» йўналиши бўйича таълим олишаётган бу спортчи қизлар ҳозиргача миллий кураш бўйича бир талай ютуқларга эришганлар. Қадим қорақалпоқ достонларидаги ёвқур қирққизлар, уларга етакчилик қилган Гулойим каби аждодларига тортган Зебо билан Салтанат спортдан ташқари ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам фаол.

Шу каби истиқбол эгалари камол топаётган Қўнғирот тиббиёт коллежида айни пайтда учта йўналиш — «Ҳамширалик иши», «Даволаш иши», «Лаборатория диагностикаси» бўйича 600 дан зиёд ўқувчи таълим олишмоқда. Уларга 60 дан зиёд педагог кадрлар касб сирларини астойдил ўргатишмоқда. Ёшларнинг қирқ фоиздан ортиғи фан тўгараклари ва спорт секцияларининг фаол аъзоларидир. Уларнинг ихтиёрида 12 фан тўгараги, 10 та спорт турлари секциялари бор.

Қарийб 2590 та китоб фондига эга коллеж кутубхонаси доимо ўқувчилар билан гавжум. Жорий йил 38 номдаги газета-журналларга обуна бўлишгани ёшлар маънавиятини бойитишга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Тиббиёт ходимлари коллежга ташриф буюришиб, ўқувчиларга «Тўғри овқатланиш тўғрисида», «Камқонлик ва йод етишмовчилиги келиб чиқиш сабаблари» мавзуларида маърузалар ўқишади, «Икки аср авлоди» учрашув тадбирларида эса катта ҳаёт тажрибасига эга, мўътабар инсонлар ёшларга турмуш сабоқларидан гапиришиб, панду насиҳат беришади. Бундай дийдорлашувлар ўқувчиларнинг касб маҳоратини, дунёқарашини юксалтиришда асқотади, албатта.

— Президентимиз 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида «Ёшлар йили»даги муҳим вазифалар тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган эдилар, — дейди коллеж директори Ш. Жумамуратов. — Коллежимизда ана шу вазифалардан келиб чиқиб, ёшларга таълим-тарбия бериш сифатини янада яхшилаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шу кунларда коллеж ён-атрофларини ободонлаштириш, «Ҳар бир ўқувчига бир кўчатдан» шиори остида кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиққан. Уларнинг бундай эзгу ҳаракатлари юрт фаровонлигига хизмат қилаверади.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ.**

***Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолиги ва ташаббуси билан «Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз» халқаро автомобиль йўлининг «Дарбанд — Термиз» қисми транспорт икки ёқлама бемалол ҳаракатлана оладиган замонавий автомагистралга айлантирилмоқда. Бу мамлакатимиз иқтисодиётининг қон томири бўлган йўлларни таъмирлаш, кенгайтириш, шунингдек, янгиларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мантиқий давомидир.***



# ЙЎЛСОЗЛАР ШИЖОАТИ

Билсангиз, бундан 15-20 йил муқаддам Бойсундан вилоят маркази Термизга бориш учун тўрт-тўрт ярим соат вақт талаб этиларди. Боз устига, «Дарбанд» довони орқали ўтадиган йўл илонизи сўқмоқни эслатар, энг баланд тепаликдаги сўнгги айланма бурилишга етгач эса, ҳайдовчилардан тортиб йўловчиларгача нафас ололмай қоларди. Чунки, бу ерда иккита машина рўбарў келиб қолса, улардан бири тўхтаб, иккинчисига йўл беришга мажбур эди.

Сайроб, Чилонзор, Каламазор, Хатак, Эгарчи қишлоқларини кесиб ўтадиган Шеробод туманигача бўлган қарийб юз километрлик йўл ҳам хавфли бурилишлар, ўнқир-чўнқирлардан иборат эди. Ҳозир-чи? Термизга етиб бориш учун атиги бир ярим соат вақт кифоя. «Тошкент — Термиз» катта ўзбек трактининг Сайроб ва Чилонзор аҳоли пунктларидан ўтсангиз, кўркам, автомобиллар икки ёқлама ҳаракатлана оладиган замонавий йўллар барпо этилганига амин бўласиз. Ўнга яқин янги кўприклар эса бунёдкор халқимизнинг салоҳиятини кўз-кўз қилиб турибди.

«Тошкент — Термиз» йўлининг Шеробод туманидаги қисми ҳам кейинги йилларда янгича кўриниш касб этди. Туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси жамоаси «Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз» автомобиль йўлининг 1373-1385 километрларида реконструкция ишларини амалга оширди. Тоғ ва тепаликларни портлатиш ва кесиш, ортиқча айланма йўлларни қисқартириш эвазига масофа бир неча километрга қисқарди.

Шунингдек, маҳаллий аҳамиятга молик «Майдон — Қорабоғ — Ғуржак» тоғ йўлининг беш километрлик қисми ҳам қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Туман ҳудудининг сарҳадида барпо этилган автосервис шохобчаси йўловчилару ҳайдовчилар хизматида. Шарқ меъморчилиги асосида қурилган мазкур масканда улар учун дам олиш хоналари, хизмат кўрсатиш устахоналари, ёнилғи қуйиш шохобчаси, ҳаммом, сауна, ошхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш нуқталари мавжуд.

Буларнинг бари Президентимизнинг 2006 йил 20 декабрда қабул қилинган «2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талаблари ижросининг дастлабки самараларидир.

Айни кунларда ушбу Қарор асосида халқаро автомобиль йўлининг 1385-1395 километрлари ҳам қайтадан бунёд этилмоқда. Бу иш шерободлик йўлсозлар зиммасида. 110 нафардан зиёд қурувчилар Россия, Германия,



### Қарор ва ижро

Швеция давлатларида ишлаб чиқарилган 80 дан ортиқ қудратли техникалар ёрдамида тоғ йўлларини бурғулаш ва портлатиш ҳамда текислаш юмушларини амалга оширишмоқда. Холмирза Раҳмонов, Абдусалом Баротов, Холчори Азимов, Фахриддин Пўлатов, Алишер Азимов сингари бунёдкорлар кунлик иш режаларини ортиғи билан уддалашга эришиб, ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар. Йўлсозлар учун шу ернинг ўзида барча шароитлар муҳайё этилган. Улар махсус кийим-кечак ва бепул иссиқ овқат билан таъминланмоқда.

— Эни етти метр бўлган трасса икки-уч баравар кенгайтирилиб, паст-баланд, айланма йўллар ўрнига тўғри йўллар қурилаётир, — дейди Шеробод йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси бошлиғи Нортожи Абдулаҳатов. — Ҳозирги кунда тўрт-беш метр баландликдаги тепаликларни қазиб текислаш, бурғулаш ишларини амалга ошираяпмиз. Дарбанд — Шеробод дарёси ёнидаги бурама йўлни четлаб ўтиш мақсадида эса янги равон йўлни бунёд этаяпмиз.

Туманда жами 1042 километр узунликдаги йўл мавжуд бўлиб, шундан умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари 294 километрни ташкил этади. Давлат корхонаси жамоаси аъзолари йўл тармоғини тараққий эттириш, ўрта таъмирлаш ва ривожлантириш бўйича 28 турдаги кўрсаткични ортиғи билан адо этмоқдалар. Ўтган йили улар Хўжаиконда жаҳон андазаларига мос кўприк қуриш баробарида тоғ йўлларини қайта таъмирладилар. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушларини амалга оширдилар. Шу кунларда эса шерободлик йўлсозлар бунёд этилаётган янги йўлнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Зеро, халқаро аҳамиятга молик мазкур йўл тўлиқ қуриб битказилса, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон каби давлатларга, денгиз портларига чиқиш, дунёдаги ривожланган мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш имкониятлари яратилади.

**Абди ҚОДИРОВ.**



**СУРАТЛАРДА:** йўл қурилишидан лавҳалар.
**Маҳмуджон МАМАРАҲИМОВ** олган суратлар. t

**ОИТС, БЕЗГАК ВА СИЛ КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ГЛОБАЛ ЖАМҒАРМАСИ ГРАНТ ЛОЙИҲАСИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА ҚЎМИТАСИ КОТИБИЯТИ**

8-раунд талабномаларини қабул қилади.
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ишчи гуруҳи ташкил қилинган.
Сизни қизиқтирган саволларни ҳамда қатнашиш таклифи ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни Мувофиқлаштирувчи республика қўмитаси котибияти қабул қилади. Талабнома шартларини Глобал жамғармасининг http://www.theglobalfund.org интернет сайтидан олишингиз мумкин.

**Талабнома таклифларини мувофиқлаштирувчи республика қўмитаси котибиятининг қуйидаги манзилига: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 46-уй, 7-қават ёки қўмитанинг қуйида берилган электрон почтасига юборишингиз мумкин: ccm@gfaids.uz**

**Талабнома таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 1 майгача давом этади.**
515Н/554

**Республика Кўчмас мулк биржаси Сурхондарё вилояти филиали**

такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Такрорий очиқ аукцион савдосига вилоят хўжалик судининг 2005 йил 10 январдаги 19-0404-5466 ҳамда 2007 йил 13 февралдаги 19-0704-712-ижро варақаларига асосан Жарқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, «Сурхон» ТФХБга қарашли, 2 қаватдан иборат, қурилиш майдони 548,08 кв.м., фойдаланиш майдони 876,4 кв.м. бўлган маъмурий бино қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 80 411 998 сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 14 апрель куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, «Тадбиркорлар маркази» биносида ўтказилади. Юқорида кўрсатиб ўтилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан 1 кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг Сурхондарё вилояти филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: «Даврбанк» Термиз шаҳар мини бўлими, МФО 00981, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000700571452053.

**Қўшимча маълумотлар учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз ш., Ф. Хўжаев к., «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефонлар: 8-376-227-25-49, 770-85-90.**

**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.**
523Н/517

**Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!**

**«Крокус Газ Сервис» ҚК**

**«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:**

**ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.
Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

**«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН**

замонавий электрон газ ўлчагичлари.
Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.
Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

**Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 232-21-22, 236-39-63, 127-10-28, 127-07-72.**

**ООО «Росагропромснаб» предлагает:**

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** ультразвуковые «Гобой-1» ТЕПЛОПРИБОР

**СЧЕТЧИКИ ГАЗА** вихревые СВГ.М СИБНА

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия.
Гарантийный срок на поставляемую продукцию — 12 месяцев со дня установки.
Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л 6, д. 2 (Ор-р — метро «М. Улугбек»)
Товар сертифицирован Тел./факс: 273-16-40, 276-90-57

### Яхши хабар

## Сара маҳсулотнинг харидори кўп

Яқин-яқин вақтларгача Қўқон шаҳри ва атроф туманларга тухум асосан Тошкент ва Андижондаги паррандачилик фабрикаларидан олиб келинар эди. Энди бу минтақадаги аҳоли эҳтиёжининг маълум қисмини Данғара туманидаги «Муҳаммад Рўзали» ишлаб чиқариш корхонаси қошидаги паррандачилик цехида тайёрланаётган сара тухумлар қондирмоқда.

Ака-ука тадбиркорлар — Мусажон ва Зафаржон Қорабоевлар тумандаги бўрдоқичилик корхонасининг ташландиқ биносини сотиб олиб, паррандачилик мажмуасига айлантиришди. Самарқанд шаҳридан 8,5 минг бош жўжа сотиб олинди. Янги йилдан улар тухум бера бошлади. Ҳар куни 4,5-5 минг дона тухум Қўқон, Яйпан шаҳарлари, Данғара, Учкўприк шаҳарчаларидаги бозорлар, савдо дўконларида пешма-пеш сотилаяпти.

Янги цехда 10 га яқин ёшлар доимий иш жойига эга бўлишди. Айни пайтда цехни кенгайтириб, товуқлар сонини 20 мингга етказишга ҳаракат қилинаяпти. Натижада яна йигирмата иш ўрни яратилади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**ДЕКОРОТИВНЫЕ МЕТАЛЛОКОНСТРУКЦИИ**
ПЕРИЛА
ОГРАЖДЕНИЯ
РЕШЁТКИ А ТАКЖЕ
ВОРОТА
ИЗ МЕТАЛЛА
Форма оплаты — любая
ТЕЛЕФОНЫ: 775-45-75, 269-15-33, факс 262-39-66.
www.ttemz-kran.uz
E-mail: toemz1@sarkor.uz
Замеры и доставка — БЕСПЛАТНО

**АЛЮМИНИЕВЫЕ И ПЛАСТИКОВЫЕ**
ВИТРАЖИ
ПЕРИЛА
ДВЕРИ
ОКНА
НА САМЫЙ ИЗЫСКАННЫЙ ВКУС!
ПО ИНДИВИДУАЛЬНОМУ ЗАКАЗУ И ЕВРОПЕЙСКИМ КАТАЛОГАМ

Respublika - Auksioni
«Respublika Mulk Auksioni» ДУК

ТУЗАТИШ

газетанинг 2008 йил 18 мартдаги 54 (4464)-сонида чоп этилган эълондаги Наманган вилоятида жойлашган «Атлас» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, «Ёш куч» болалар соғломлаштириш оромгоҳи, «Сўлим» болалар соғломлаштириш оромгоҳлари, шунингдек, Самарқанд вилоятида жойлашган «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳи ва «Ибн Сино» номидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича очиқ танлов савдосини ўтказиш саналари 2008 йилнинг 8, 22 апрель ҳамда 6, 20 май кунлари деб ўқилсин.

MIKROKREDITBANK

***Иқтисодийислоҳотлар туфайли мамлакатимиз тараққиёт сари юз тутмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, ҳар бир фуқаронинг яратувчилик борасидаги орзулари амалга ошиши, ҳар бир хонадоннинг ўз имкониятларини ишга солиб, бой-бадавлат яшашига кенг йўл очиб берилгани бунда муҳим омил бўлмоқда. Республикамиз Президентининг 2006 йил 5 майдаги Фармони асосида ташкил топган «Микрокредитбанк» айни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга даъват этилган бўлиб, у ўзининг илк қадамларини мижозларга текин консалтинг хизмати кўрсатиш ва уларни кредитлардан оқилона фойдаланишга ўқитишдан бошлади. 2007 йил мобайнида эса, семинар ва учрашувлар бевосита ҳар бир қишлоқ фуқаролар йиғинларига кўчди. Республика Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг вилоят бошқармалари билан биргаликда учрашув ва семинарлар ўтказиш бўйича режалар ишлаб чиқилди. Ҳақиқий тадбиркорларни аниқлашда бундай тадбирларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда, албатта.***



# «МИКРОКРЕДИТБАНК»: КИЧИК БИЗНЕС МАДАДКОРИ

## ЭЗГУ ҚАДАМЛАР

Кичик бизнес намояндалари ва хусусий тадбиркорлар билан ишлашда ҳам «Микрокредитбанк» янгича йўлдан бормоқда. Масалан, тадбиркорларнинг мурожаат этишини кутиб ўтирмасдан, банк мутахассисларининг ўзлари уларнинг ҳузурига ташриф буюрмоқдалар. Ўз келажагини тадбиркорлик соҳасида деб ҳисоблайдиган ёшлар билан узоқни кўзлаб мулоқот олиб бормоқдалар. Маълумки, бундай ёшлар асосан касб-ҳунар коллежларида таълим-тарбия олаётган ўқувчилардир. Шунинг учун банкнинг республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус касб-ҳунар маркази билан ҳамкорлиги яхши самара бермоқда. Ана шу ўқувчиларга банк мутахассислари тадбиркорликдан сабоқ бераётганлари, билимли ва ҳунарни пухта эгаллаган ёшларни коллеж ўқитувчилари кўмагида танланаётгани, улар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани, яъни ўтган йили коллежларни битираётган 531 ўқувчига бошланғич сармоя сифатида 710,7 миллион сўм микрокредитлар ажратилгани бунинг тасдиғидир.

## ХИЗМАТ СИФАТЛИ, ШАРОИТ ҚУЛАЙ

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Аҳолини микромолиявий хизматлардан баҳраманд этиш учун 2007 йилга мўлжалланган дастурга кўра, кичик бизнес субъектларига, айниқса, қишлоқ аҳолисига сифатли ва қулай банк хизматлари кўрсатилмоқда. Натижада ўтган йил банкнинг хизматлари билан барча ҳудудларни қамраб олиш ва мамлакатимизда ўз инфратизимини мустаҳкамлаш даври бўлди. Республикамизнинг Қўшработ, Нуробод, Кегейли, Қораўзак, Улуғнор, Бўз, Деҳқонобод, Ғузор, Учқудуқ, Томди, Конимех, Бойсун, Ҳазорасп, Гурлан каби узоқ туманларида ҳам унинг мини банклари ташкил этилди. Аниқроғи, туманларда 33 та мини банк ишга туширилди. Айни кунларда «Микрокредитбанк»нинг 75 та филиали, 270 мини банки ва 11 агентлиги аҳолига замонавий банк хизматларини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йилида «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки республика Кўзи ожизлар ва Ногиронлар жамиятлари каби жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ногиронлар ва жисмоний имконияти чекланганларнинг оилалари учун доимий даромад манбалари яратиш, яъни тадбиркорлик, якка тартибда меҳнат фаолиятини юритиш мақсадида банк томонидан кўмак берилди. Навоий вилоятида учта, Бухоро ва Хоразм вилоятларида биттадан оилавий болалар уйларига сигирлар харид қилинган эди. Эндиликда улар ўз бизнесларини юритишлари ва тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун 8,2 миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Банкнинг Андижон вилояти филиали томонидан эса кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзанди оталиққа олиниб, уларнинг суннат тўйлари ўтказиб берилди. Бу болалар институтни тугаллагунларигача банк ёрдамидан баҳраманд бўладилар.

Микросармоялар орқали, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламлари моддий қўллаб-қувватланди, улар ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилди. Чорва моллари сотиб олишлари учун 6 708 оилага 6,2 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, Қўнғирот туманида истиқомат қиладиган Клара Бекжонова, учқудуқлик Гулбаҳор Раҳматова, Сўх туманидан Озода Болтаева кредит эвазига нафақат ўзларининг оилалари, балки бутун маҳалла аҳлининг сутга бўлган эҳтиёжини қондирмоқдалар.



## ЁШЛАР ЭЪТИБОРДА

Президентимизнинг 2007 йил 18 майда қабул қилинган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, ёш оилаларга тадбиркорлик билан шуғулланишларидан ташқари, уй-жой сотиб олишлари, тўй маросимларини ўтказишлари, рўзғорга зарур жиҳозлар харид қилишлари учун имтиёзли кредитлар берилмоқда. Биргина ўтган йили 12 816 ёш оилани моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун 16,6 миллиард сўмлик кредитлар, ишлаб чиқариш билан шуғулланишлари учун 8 483 ёш оилага 11,3 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар, узоқ муддат фойдаланиладиган уй жиҳозлари олиш, тўй маросимларини ўтказиш, биринчи фарзанд эҳтиёжлари учун 4 321 ёш оилага 5 миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари ажратилгани шундан далолат беради. Хусусан, Фарғона шаҳрида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар — Шерзод Мелибоев, Ғуломжон Мадраҳимов, Дилмурод Қодировга турмуш шароитини яхшилаш мақсадида мебеллар тўпламм, телевизор ва совутгичлар олиш учун кредитлар ажратилган бўлса, Пахтаобод туманида яшайдиган ёш тадбиркор – Дилноза Мусаева банкдан олган 2 миллион сўмлик микрокредит ҳисобига аёллар учун «Гўзаллик салони»ни очди.

Олтинкўл туманидаги Кўмакай қишлоғида истиқомат қилувчи Фарҳод Нишонов ҳам шундай имкониятдан фойдаланган ёш оила вакилларидан биридир. У ўтган йили банкдан бир ярим йил муддатга бир миллион сўм миқдорида имтиёзли микрокредит олиб, рўзғори учун кондиционер ва телевизор харид қилди.

— Банк томонидан мана шундай хизматларнинг йўлга қўйилгани биз сингари кўплаб ёш оилалар учун жуда маъқул тушяпти, — дейди Фарҳоджон. — Хонадонимиз кредитлар туфайли янада бут бўлди.

## ЧЕВАРЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

Банк жамоаси Президентимизнинг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Жумладан, «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги энг яхши лойиҳа» кўрик-танлови ташкил этилди. Унда иштирок этган тадбиркорлар «Микрокредитбанк» мижозлари бўлиб, улар меҳмонхона хизмати, автомобилларга хизмат кўрсатиш, сартарошхона, суратхона, стомасервис, ташхис қўйиш хизмати сингари ўнлаб лойиҳаларни тақдим қилдилар. Якунда эса банкнинг Ғаллаорол туманидаги филиалидан кредит олиб, кийим-кечаклар тикиш ва бўлғуси уй бекаларига чеварлик сирларини ўргатиш билан шуғулланаётган «Манзура Ишметова» кичик корхонаси ғолиб, деб топилди. Қувонарлиси, банк маблағлари ҳисобига чекка-чекка ҳудудларда маиший ва тиббий жабҳаларда фаолият юритишни истовчилар сафи ҳам тобора кенгаймоқда. Ўтган йилнинг ўзида ана шу мақсадлар учун 7,6 миллиард сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Чунончи, Қарши туманилик тадбиркор Гулбаҳор Холиқова 2007 йилда банкнинг Бешкент филиалидан олган 621 минг сўмлик микрокредит эвазига аҳолига сартарошлик хизматини кўрсатиш баробарида ёшлардан 5 нафарини иш билан банд этди.

Банк микросармояларидан фойдаланиб, чекка қишлоқларда «Гўзаллик салон»лари, турли либослар тикиш устахоналари, гилам тўқиш цехлари ва бошқа хизмат кўрсатиш корхоналари очаётган тадбиркор хотин-қизлар сони ҳам кўпайиб бормоқда. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, банк ўтган йили улар учун 11,1 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратди. Бу маблағлар ҳисобига эса 12 минг 322 та янги иш ўрни яратилди.

## ФЕРМЕРЛАРГА АТАЛГАН ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ

— Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш жараёни амалда ниҳоясига етди, – деди Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида. — Хусусий фермер хўжаликлари ўз моҳиятига кўра, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, соҳани барқарор ва самарали ривожлантиришни таъминлайдиган етакчи кучга айланди.

«Микрокредитбанк» зиммасига фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга кўмаклашишдек муҳим вазифа ҳам юкланган бўлиб, соҳага айтиш мумкинки, мазкур молиявий муассаса томонидан ажратилаётган микросармоялар фермерларга куч-қудрат бағишламоқда. Айниқса, фермер хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоригача имтиёзли фоизларда кўрсатилаётган микролизинг хизматлари уларга манзур бўлмоқда.

Биргина ўтган йили 6,9 миллиард сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди, фермер хўжаликларига лизинг асосида 3,1 миллиард сўмлик қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб берилди. Мисол учун, Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги «Абраев Эшбой» фермер хўжалиги лизинг асосида 30,6 миллион сўмга «МТЗ-80» трактори, Қорақалпоғистон Республикасининг Амударё туманидаги «Рим Сапақ» фермер хўжалиги «МТЗ-80.11» трактори сотиб олди. Дарҳақиқат, микролизинг ҳисобига фермер хўжаликларининг моддий-техника базаси кенгаймоқда, машина-трактор парки хизмати харажатларининг тежалишига эришилмоқда.

## ҲАМКОРЛИК САМАРАЛАРИ

Мукаммал касб ва ҳунар эгаси бўлмиш иқтидорли ва моҳир тадбиркорларни топишда банкнинг бир қатор жамғарма ва уюшмалар билан ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ҳунарманд» уюшмаси билан бу борада келишувлар имзоланган. Масалан, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда Жиззах, Навоий, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида намунали фаолият юритаётган фермер аёллар рағбатлантирилиб, уларга микромолиявий хизматлар кўрсатилди.

Микромолиявий хизматлар кўрсатиш ҳажмини кенгайтириш мақсадида эса банк халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб қилиш бўйича ишларни олиб бормоқда. Шунингдек, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банклари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда.

Ўтган йили «Микрокредитбанк»нинг Польшадаги халқаро микрокредит ташкилоти — Шарқий Европа ва МДҲ давлатлари бўйича микромолиялаш маркази аъзолигига қабул қилингани, банкнинг Қашқадарё вилояти филиали «Ташаббус-2007» республика кўрик-танловида «Энг яхши молиявий муассаса» номинацияси бўйича ғолиб деб топилгани жамоа ҳаётида эътиборга лойиқ воқеалардан бўлди.





## 40 МИНГДАН ЗИЁД ИШ ЎРНИ

Кўпгина тадбиркорлар «Микрокредитбанк»нинг имтиёзли микросармояларини олиб, миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, кулолчилик, тикувчилик, миллий мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида ишни ташкил этаётганлари ҳам қувонарлидир. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманида Гулнора Ембергенова банк кредити ҳисобидан кичик корхона очиб, ўзбек ва қорақалпоқ нақшлари асосида безалган 25 турдаги буюмни ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. 9 нафар чевар қўлида сайқал топган рўмоллар, жилдлар, аёллар сумкалари ташқи бозорда ҳам ўзининг муносиб баҳосини топмоқда.

Тадбиркорлар оиласида ўсиб-улғайган тўрткўллик Зуҳра Қаландарова банк микросармояси эвазига ип йигириш ва турли газламалар тўқишни йўлга қўйди. Шу туманда фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Соҳиб Матназаров эса микрокредит ҳисобига гиламларга портретлар ишламоқда.

Навоий вилоятининг Нурота туманидаги «Тўмарис» фермер хўжалиги раҳбари Фотима Ниғматова ҳам банк кредитидан мамнун. У чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади. Шунингдек, халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни ҳам ташкил этган. Шу тумандаги касаначи Дилором Эшова банкдан микрокредит олиб, Нурота каштачилиги довруғини бутун дунёга таратишга ҳаракат қилмоқда.

Балиқчи туманидаги Дилфуза Аҳмедова, Избоскан туманидаги Асила Йўлдошева, шофирконлик Маҳфуза Йўлдошева, жондорлик Олия Султонова, ғаллаороллик Гавҳар Асатуллаева, шаҳрисабзлик Феруза Очилова, муборaклик Нодир Зарипов, қизилтепалик Ҳафиз Тўрақулов, риштонлик Неъмат Собиров каби тадбиркорлар ҳам бугунги кунда уйда кўрпа ва кўрпача, тўн, каштали ва зарли либослар тикиш, мисгарлик ва кулолчилик сирларини шогирдларига ўргатиб келмоқдалар. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг марказий идорасида микрокредитлар эвазига ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол моллари асосида музей ташкил этилган бўлиб, бу кўплаб кишиларни тадбиркорликка даъват этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, 2007 йилда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектларига 2006 йилдагига нисбатан 2,2 баробар кўп, яъни 56 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Фақатгина микрокредитлар ва кўрсатилган микролизинг хизматлари ҳисобига 40 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилди. «Микрокредитбанк» жамоаси бундан кейин ҳам ушбу йўналишдаги ишларни изчил давом эттираверади.

**«Микрокредитбанк» матбуот хизмати.** t




*Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ва ташаббуси билан тадбиркорларга кенг йўл очилган, маҳаллий шароитда ишбилармонликни йўлга қўйиш, хориж сармоядорлари билан ҳамкорлик қилиш, ишлаб чиқаришга чет эл инвестициясини жалб этиш каби кўплаб имкониятлар яратилган. Лекин тадбиркорликка ҳавасмандлар кўп бўлса-да, улар орасида республикамизда бу жабҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, бугун сарфлаётган сармояси эртага эл-юртга, ўзига қанчалик наф келтиришини, ишбилармон учун ҳукумат томонидан қандай имтиёзлар яратилаётганлигини унчалик англаб етмаганлари борлиги сир эмас. Шу боис жойларда тадбиркорликни ҳудудий жиҳатдан уюштирадиган, уларга кўмак берадиган, ҳақ-ҳуқуқларини англатадиган идоралар, уюшмаларни тузиш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шундай талабларга жавоб берадиган Тадбиркорлар уюшмаси 1992 йилда Самарқандда шаҳар ҳокимлигининг қўллаб-қувватлаши натижасида ташкил топди. 26 та тадбиркорлик корхонаси аъзо бўлган бу уюшманинг Низомида «Уюшманинг асосий фаолияти тадбиркорлик билан шуғулланаётган ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга молиявий кўмак бериш, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини хориж мамлакатларига реклама қилиш, экспортга чиқишига яқиндан ёрдам бериш, амалий консалтинг хизмати кўрсатиш билан боғлиқ»лиги белгилаб қўйилди.*

*Бугунги кунда ушбу уюшмага 300 дан ортиқ кичик бизнес субъектлари ва хусусий корхоналар аъзо эканлигини айтсак, унинг ўтган йиллар мобайнида тадбиркорларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатгани, фаолиятини ўз Низомида белгиланган талаблар даражасида ташкил қилгани аён бўлади.*

# ТАДБИРКОРЛАР ТАЯНЧИ

### Хориж кўргазмаларига йўл

Уюшма тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар маҳсулотларининг нафақат Самарқандда, балки хориж мамлакатларидаги нуфузли кўргазмаларда ҳам намойиш этилишини ташкил қилиш борасида жиддий ишларни амалга оширяпти. Масалан, 1993 йилда Самарқанд шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг «SIDVIM» компанияси билан ҳамкорликда уюштирилган «Саломатлик — 1993» халқаро кўргазмасида турли мамлакатлар соғлиқни сақлаш тизими вакиллари — 100 нафардан ортиқ мутахассис ва тадбиркорлар иштирок этди. Пировардида тиббиёт учун энг зарур бўлган 400 минг АҚШ доллари миқдоридаги лапароскоп каби тиббий ускуналар харид қилинди, улар Самарқанд шаҳар касалхоналарига ўрнатилди. Кейинчалик Самарқандда 50 дан кўпроқ шундай кўргазмалар ташкил этилди. Аҳамиятлиси, уларнинг барчасида фойдали шартномалар имзоланиб, маҳаллий шароитимиз учун энг ноёб товар-маҳсулотлар келтирилди.

АҚШ, Япония, Германия, Греция, Жанубий Корея сингари бир қатор мамлакатларда ташкил этилган кўргазмаларда бевосита самарқандлик тадбиркор, фермер ва ҳунармандлар иштироки таъминлангани, уларда ишбилармонлар ўзлари ишлаб чиқарган хилма-хил маҳсулотларни, жумладан, гиламчилик, чиннипазлик, кулоллик, мискарлик, заргарлик, зардўзлик каби ўзбек миллий амалий санъати намуналарини намойиш этишгани ҳам диққатга сазовордир.

1999 йилда АҚШнинг Атланта шаҳрида, 2000 йилда эса Германиянинг Дрезден шаҳрида табиий тошлар намуналари — мармар ва гранит халқаро кўргазмалари уюштирилди. Уларда самарқандлик тадбиркорларнинг вакиллари — «Афросиёб-мармар», «Ургут-Лада-мармар» қўшма корхоналари ва «Моҳина» хусусий фирмаси ишбилармонлари қатнашдилар.

Мазкур кўргазмалар шарофати туфайли Самарқанд вилояти ҳудудидаги мармар ва гранит тошларининг экспорт қилинишига йўл очилди. Айни пайтда Самарқанднинг бундай ноёб маҳсулотларига Германия, Россия, Қозоғистон мамлакатлари асосий харидорлар ҳисобланади.

### Хитой билан ҳамкорлик

Ўтган йили Хитойнинг Гуанжоу шаҳрида саккиз мамлакат ишбилармонларининг анжумани бўлиб ўтди. Осиё Тараққиёт банки ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раҳбарлари билан биргаликда Самарқанд шаҳар Тадбиркорлар уюшмаси вакилларига ҳам ушбу нуфузли тадбирда иштирок этиш насиб этди.

Учрашув асносида Хитой, Мўғулистон, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатлари ҳудудидан ўтувчи Буюк Ипак




йўлини қайта тиклаш, бу мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама этилиб, ҳамкорликни изчил амалга ошириш мақсадида меморандум имзоланди.

Самарқанд шаҳар Тадбиркорлар уюшмаси, шунингдек, Хитойнинг «CITIC» компанияси билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишни келишиб олди. Шартномага асосан, «CITIC» компанияси мамлакатимизга инвестиция киритди. Бу сармоядан эса юртимизда келгусида жаҳон андозалари даражасидаги автомагистраллар қуришда, пахта хом ашёсини қайта ишловчи корхоналар барпо этишда фойдаланилади.

Тадбиркорлар уюшмаси вакиллари 2001 йилда Греция пойтахти — Афина шаҳрида ўтказилган халқаро туризм бўйича «TOURIST PANORAMA» кўргазма-ярмаркасида ҳам иш-

**▼ Ислоҳот**

тирок этиб, Самарқанд туризми имкониятларининг янада яхшиланишига ҳисса қўшди. Орадан бир йил ўтиб, кўҳна шаҳар тадбиркорлари Япониянинг Осака шаҳрида ташкил этилган «G-BOG-2002» кўргазмасининг меҳмони бўлишди. 2003 йилда эса Франция маркази — Парижга «TAPIS — CARPETS» халқаро гиламлар ва гилам маҳсулотлари кўргазмаларига йўл олишди. Бу ерда самарқандлик тадбиркорларнинг ранго-ранг гиламлари кўргазма қатнашчиларининг эътиборини тортди.

### Уюшманинг Нагоядаги ваколатхонаси

Жорий йил бошида уюшма Япония фирмалари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйди. Фермерлар ва тадбиркорларнинг буюртмалари асосида Кунчиқар мамлакатдан дастлабки автокўтаргичлар, электрогенераторлар, минитракторлар олиб келинди.

Уюшма икки томонлама ҳамкорликни янада кучайтириш, Япониядан қишлоқ хўжалиги минитехникаларини кўпроқ келтириш мақсадида шу мамлакатнинг Нагоя шаҳрида ўз ваколатхонасини очишга эришди. Бунда Япониянинг жаҳонга таниқли ташкилотларидан бири — JETROнинг амалий кўмаги катта бўлди.

Янги ваколатхонанинг дастлабки муваффақиятларидан бири — жаҳон қурилиш бозорида ўз ўрнига эга бўлган «NICHIHA» компанияси билан шартнома имзолагани бўлди. Мазкур компания Японияда ишлаб чиқариладиган, биноларнинг олд қисми панелларининг 40 фоизини етказиб беради.

«NICHIHA» маҳсулотларининг афзаллиги шундаки, улар экологик соф, юқори даражада шовқин ўтказмайди, ёнғинга нисбатан хавфсиз, бинони иссиқ сақлайди. Асосийси, уни ўрнатишда ортиқча харажатлар талаб этилмайди. Ана шундай пишиқ ва сифатли қурилиш материаллари тез орада Ўзбекистон бозорларида ҳам пайдо бўлади.

Ҳозирга қадар уюшма Япониянинг «TOYOTA», «KOMATSU», «MITSHUBISI», «SAKAI» каби жаҳонга машҳур компанияларидан 30 турдан ортиқ йўл-қурилиш ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган минитехникалар келтирди. Улар бугунги кунда фермерлар, тадбиркорлар, кичик корхоналар, қурилиш ташкилотлари юмушларини осонлаштирмоқда.

### «Хазина»нинг хазинаси

2002 йил 4 апрелда Президентимизнинг «Кредит уюшмаларини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон талаблари асосида Самарқанд шаҳар Тадбиркорлар уюшмаси биринчилардан бўлиб кредит уюшмасини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Уюшманинг мақсади тадбиркор, фермер ва ҳунармандларга молиявий кўмаклашиш мақсадида микрокредит беришдан иборат эди.

Бугун «Хазина» деб номланган ана шу молия муассасаси ўз ниятига эришди, дейиш мумкин. Чунки унинг жамғармаси 101 миллион 196 минг сўмни, кредит портфели эса 710 миллион сўмни ташкил этмоқда.

4115 та аъзоси бор. Кредит олиш учун қўйиладиган гаров мулки ва кўчмас мулкни баҳолаш шу ернинг ўзида амалга оширилади. Бу мижознинг беҳуда вақт ўтказмаслигига, ортиқча расмиятчиликларнинг олди олинишига хизмат қилади.

### «Ломбард» кредитидан фойдаланинг

Бозор иқтисодиётининг ўз талаблари бор. Бу талабларнинг асосийси маблағ билан боғлиқ. Дейлик, тадбиркорга қандайдир дақиқаларда пул зарур бўлиб қолади. Бундай дамларда унга тадбиркорлар уюшмаси қошидаги «Hazina-Hold» масъулияти чекланган жамияти ёрдам беради. «Ломбард» усулида маблағ беришга ихтисослашган мазкур жамият 2005 йилда ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Ҳозирда бу усулдаги хизматдан мингдан зиёд тадбиркорлар фойдаланишмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.** t

ТАЛАБАЛАР ВА РОССИЯ УНИВЕРСИТЕТЛАРИДА ЎҚИШ ГРАНТЛАРИ СОҲИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«ТРАНСАЭРО» АВИАКОМПАНИЯСИ ТОШКЕНТ ВА БУХОРОДАН РОССИЯ ШАҲАРЛАРИГА ПАРВОЗ ҚИЛИШ УЧУН АВИАЧИПТАЛАРНИ МАҚБУЛ ТАРИФЛАРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**МОСКВА** 364 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

**С-ПЕТЕРБУРГ** 295 ЕВРО ва ундан юқори (бориш ва қайтиш)

ТАРИФЛАР ТАКСА ВА ЙИҒИМЛАР ҲИСОБГА ОЛИНМАГАН ҲОЛДА КЎРСАТИЛГАН, ЖОЙЛАР ЧЕГАРАЛАНГАН.

ТРАНСАЭРО АВИАКОМПАНИЯ

*Телефонлар: Тошкентда: 233-27-45; Бухорода: 383-44-25.*

Аккредитация сертификати № 210.

**Спорт**

*Хоразмда республикамизда 1991-1996 йилларда туғилган ёш гимнастикачилар мусобақаси бўлиб ўтди.*

### ЁШ ГИМНАСТИКАЧИЛАР ХОРАЗМДА БЕЛЛАШИШДИ

Унда мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган 80 нафар бадиий гимнастикачи қиз куч синашди.

Бадиий гимнастика байрами Хоразмда уч кун давом этди. Тошкент шаҳри, Бухоро, Самарқанд, Хоразм вилояти гимнастикачи қизлари юқори маҳоратлари билан ажралиб турдилар.

Мусобақа якунларига кўра, умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри гимнастикачи қизлари ғолиб бўлишди. Бухоролик қизлар иккинчи, Хоразм вилояти жамоаси эса учинчи поғонани эгаллади.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

### Ўқувчи – халқаро турнир ғолиби

*Бекзод Турсунбоев Андижон тиллар институти қошидаги академик лицейда таҳсил олади. У маҳорат, кучли ирода, чапдастлик, жасорат талаб этиладиган айкидо спорт тури билан шуғулланади.*

Яқинда Қатарнинг Доҳа шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирда Бекзод ҳам иштирок этди. Унда йигирмадан ортиқ давлатдан борган спортчилар ғолиблик учун майдонга тушдилар. Булоқбоши туманининг Учтепа қишлоғида туғилиб вояга етган Бекзод Турсунбоев ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгиб, халқаро турнир ғолиби бўлди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

GUNWOO
ШЎЪБА КОРХОНАСИ

Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охирги ишланмалари асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАР**НИ таклиф этади.

**Диаметри 100 мм. дан 1200 мм. гача.**
**Босимга чидамлилиги — 12,5 бар.**

ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАТИЛАДИ: суғориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, саноат, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.

1. Босимга чидамли уч қатламли ичимлик суви таъминоти учун қувурлар (225-1200 мм.)
2. Икки қатламли қувурлар (150-1200 мм.)
3. Икки қатлами перфорацияланган қувурлар (150-1200 мм.)
4. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)
5. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)
6. Канализация учун қувурлар.



**Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.**
**Вилоятлардаги дилер ташкилотларни ҳамкорликка таклиф этамиз.**
ТЕЛ.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.
ФАКС: (370 71) 715-63-16.
Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., «Қанғли» к., 16-«А» уй.
gunwoo@mail.ru
Маҳсулот сертификатланган.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ
«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.



МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ
(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б ...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалик (МТЗ трактори негизида) ва махсус техникаларни таклиф этади.



МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН
Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.
«МАЗ» ВА АМКОДОР ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.
Манзил: 100005, Тошкент ш., Мирobод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ВЕРСАЛЬ
МИР обоев
Российский линолеум
Тел. 234-48-11
Факс 234-49-58
Товар сертифицирован.
Форма оплаты — любая.




*Муҳтарам газетхон! Газетамизнинг ушбу сонидаги қўшсаҳифа бепул илова қилинмоқда.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 02.05 1 2 3 4 5 6 8